



Tadqiqot UZ

2021

ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ

- » Хуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидағи изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



31 MART
№26

CONFERENCES.UZ

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 26-КҮП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
1-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
26-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-1**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
26-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-1**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 26-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 март 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021.- 23 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишиланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илфор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманганд мухандислик-қурилиш институти)

5.Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шоҳида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6.Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобоҳонов Олтибод Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулdir.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

1. Исраилова Зарина Садриддиновна

ЎЗБЕКИСТОНДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ 7

2. Шамшиев Жамшид Аслиддинович

КОРРУПЦИЯ ҲОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА ХАБАР БЕРИШ МЕХАНИЗМИНИ
МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ 11

3. Qandimov Iljos Qalandar o‘g‘li

JAMIYATDA FAOL HUQUQIY XULQ-ATVORNI RIVOJLANTIRISH 13

4. Марданов Жасурбек Ҳусниддин Ўғли

СОЛИҚЛАР ёКИ БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРНИ ТЎЛАШДАН БЎЙИН
ТОВЛАШ ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ТЕРГОВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ 14

5. Туйчиев Абдулло Орипович

ЎЗЛАШТИРИШ ВА РАСТРАТА ЙўЛИ БИЛАН ТАЛОН-ТАРОЖ ҚИЛИШ
ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ 17

6. Гулом Шодиев Махамматович

РЕАБИЛИТАЦИЯ ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ: ХОРИЖИЙ ВА МИЛЛИЙ
НАЗАРИЯЛАР 19



ХУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

ЎЗБЕКИСТОНДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Исраилова Зарина Садриддиновна

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори(Phd),
жаҳон иқтисодиёт ва дипломатия университетининг
“Хуқук назарияси ва давлат бошқаруви”
кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: мазкур мақола Ўзбекистондаги маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини ислоҳ қилиш ҳамда самарадорорлигин баҳолаш механизмини такомиллаштириш масалаларига бағишлиланган.

Калит сўзлар: Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари, самарадорлик, баҳолаш, сиёсий партиялар.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-хуқукий ривожланишининг бугунги босқичида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш механизмини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда [1].

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясига мувофиқ, мамлакатимизда номарказлаштириш сиёсати жадаллик билан амалга оширилмоқда, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик ҳокимиятининг роли ва таъсири кучаймоқда, маҳаллий бюджет мустақиллигини таъминлаш юзасидан чоралар кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни 24-моддасига биноан кўп нарса маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг самарали фаолиятига боғлиқ, чунки айнан ҳалқ депутатлари Кенгашлари одамларга энг яқин бўлган органи сифатида вилоят, туман ва шаҳарлар ҳолатига, ўз аҳолисининг фаровонлигига жавобгардир [2].

Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари бошқаруви сифатини ошириш воситаларидан бири – бу ушбу орган фаолиятининг самарадорлигини объектив баҳолаш, деб хисоблаймиз. Бироқ, ижобий ўзгаришларга қарамасдан, ушбу орган самарадорлиги даражасини пасайтирувчи бир қатор муаммолар ҳам мавжуд. Биринчи навбатда, бу маҳаллий ҳокимияти фаолияти баҳоланадиган мезонларга тааллукли. Кўпинча самарадорлик кўрсаткичлари аҳборот, статистик аҳамиятга эга бўлади. Шу боис маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлиги сиёсий партиялар томонидан баҳоланишининг ягона методикасини ишлаб чиқиши талаб этилади.

Ҳозирги кунда маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигига катта эътибор қаратилмоқда. Аҳоли турмуш даражаси, асосан, улар томонидан у ёки бу қарор ишлаб чиқилиши, қабул қилиниши ҳамда амалга татбиқ этилишига боғлиқ. Бинобарин, айнан улар орқали қўплаб норматив-хуқукий ҳужжатлар ва давлат дастурлари амалга оширилади. Маҳаллий давлат ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил қилиш эса мамлакат ривожининг кафолатидир. Ушбу жараёнда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Улар аҳоли манфаатларини



ифодалаб, худуднинг долзарб муаммоларидан бевосита хабардор бўлади ва уларга мақбул ечимлар таклиф қила олади.

Вилоят, туман ва шаҳарларнинг ҳолати ҳамда ривожланиши кўп жиҳатдан уларда бошқарув қанчалик самарали ташкил қилинганига боғлиқdir. Самарали бошқарув фаолият натижалари аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларига тўғри келиши кераклиги назарда тутилади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органининг фаолияти ҳудудларнинг барқарорлиги ва ривожланишини таъминлаш, аҳоли эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлиши лозим.

Худудни бошқаришнинг замонавий концепцияси аҳолининг манфаатлари ва эҳтиёжларига асосланган ҳамда уларнинг фуқаролик позициясини фаоллаштиришга қаратилган бўлиши керак. Шунинг учун ҳам маҳаллий давлат ҳокимияти бошқарувида нафакат ҳудуд аҳолисининг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари ҳақида холис маълумот олиш, балки фуқароларда вилоят, туман ва шаҳар, маҳаллий ижро ҳокимияти, хусусан, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятига дахлдорлик ҳиссини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Айнан ҳалқ депутатлари Кенгашлари ҳудудда давлат сиёсатини белгилайди, унинг асосида эса ижро ҳокимияти ўз фаолиятини амалга оширади. Шу билан бирга, ҳокимият фаолиятининг самарадорлигини ўрганишда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг роли ҳам муҳим аҳамиятга эга: сайловчи ҳамда аҳоли турли қатламларининг манфаат ва истакларини билиш, сайлов округларининг ҳудудий жиҳатлари, инфратузилмавий, молиявий ва ижтимоий эҳтиёжларини ҳисобга олиш ва бошқалар. Буларнинг барчаси ҳалқ депутатлар Кенгашлари фаолиятига тааллуқлидир.

Таъкидланганидек, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органи фаолиятининг натижаларини сон жиҳатдан ҳисоблашга доим ҳам имкон бўлмаслиги туфайли уларнинг фаолиятини баҳолаш қийин кечади. Аммо уни баҳолаш ушбу орган фаолияти йўналишларининг тўғри ва самарадорлигини аниқлаш учун кераклиги кўриниб турибди.

Демократик сайланган депутат аҳолининг кенг доирадаги манфаатларини ифода этади, жамоатчиликнинг мурожаати, сўров ва таклифларини кўриб чиқади ҳамда аҳолининг асосий эҳтиёжларини белгилаб, уларни кейинчалик тегишили сиёсат ва қонунчиликка интеграция қиласи. Аслида, депутат сайловчилар манфаатларини ижро ҳокимияти ўзбошимчалигидан ҳимоя қилишга йўналтирилган орган ҳам ҳисобланади. Шундай экан, ушбу органнинг қонунийлиги у ўз сайловчиларининг манфаат ва истакларини ифода қила олиши билан белгиланади. Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларида қарор қабул қилишининг очиқ шакли амал қилиши лозим. Ушбу орган бошқа органлардан қарорлар қабул қилинишининг очиқроқ механизми мавжудлиги билан фарқланади, яъни у ёки бу масалаларнинг муҳокамаси жамоатчиликнинг бевосита иштирокида ўтказилади. Бунга очиқ депутатлик эшигувлари ва фуқароларнинг мажлисларда иштирокини мисол тариқасида келтириши мумкин. Аҳолини қарор қабул қилиши жараёнига жалб қилишининг бундай механизmlари маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Депутатнинг сайлов округи аҳолиси билан алоқада бўлиши кераклиги Ўзбекистон Республикасининг "Ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаси депутатининг мақоми тўғрисида"ги Қонунининг 7-моддасида белгиланган. Унда тегишили ҳалқ депутатлари Кенгашининг депутати ўз округи сайловчилари билан, уни депутатликка номзод қилиб қўрсатган сиёсий партия билан алоқа бөглаб туриши, тегишили ҳалқ депутатлари Кенгашида уларнинг манфаатларини ифода этиши кўрсатилган.

Депутатларнинг самарали фаолияти уларнинг етарли даражада интеллектуал салоҳиятга эга бўлиши, ҳалқ депутатлари Кенгаши фаолиятида, ўз ҳудудидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишида иштирок этишига интилиши каби бошқа омилларга ҳам bogлиқdir.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлиги баҳолашнинг умумлаштирилган кўрсаткичларидан ташқари, инновацион ёндашувлар ва раҳбариятнинг узоқ муддатли режалаштириш ва стратегик ривожланишни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини акс эттирувчи кўрсаткичларни ҳам эътиборга олиш муҳим саналади.

Айни пайтда, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш жараёнida, фуқаролар фаоллигини аниқлашда ҳам объектив, ҳам субъектив омилларни ҳисобга олиш лозим.



Фикримизча, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш натижалари аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифати ва ҳажмини ошириш учун юқори эътиборга муҳтож ҳудудлар, ички ресурсларни (молиявий, моддий-техник, кадрлар сифати ва бошқалар) аниқлашга имкон беради.

Режалаштирилаётган баҳолаш давлат органлари ва аҳоли олдида ҳисботнинг яна бир турига айланмаслиги учун, аввало, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолияти қандай мақсадда баҳоланаётганини англашимиз зарур. Биринчидан:

- депутатларни ўз мажбуриятларини янада самарали ва яхши бажаришига рағбатлантириш;
- сайловчи ва халқ сайлаган кишилар ўртасида депутатлар фаолиятини баҳолашда иштирок этиш орқали янада яқинроқ ўзаро ҳамкорликни таъминлаш;
- депутатлик корпуси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг шаффоғлигига эришиш.

Иккинчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлиги баҳоланишини такомиллаштириш бўйича қуидаги бир қатор амалий характеристерга эга бўлган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозим:

- маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик ҳамда ижро органларини фаолиятини аниқ белгилаш;
- кўрсатилган хизматлар сифати баҳоланишининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутати фаолиятининг самарадорлиги малакасининг даражаси баҳоланиши билан ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш;
- маълумот таъминоти ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини баҳолаш жараёнларини электронлаштиришнинг такомиллаштирилган тизимларини жорий этиш.

Ушбу чораларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мониторингининг методикаси билан биргаликда қўлланилиши ушбу орган фаолиятини юқори даражада холислик билан баҳолаш, муаммоли соҳаларни аникроқ кўрсатиш, самарали бошқарув қарорларини қабул қилишга имкон яратади.

Баҳолашни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад якуний ва оралиқ натижалар тўғрисида маълумотлар тўплаш ва уларни таҳлил қилиш, амалга оширилган ўзгаришларни ва ушбу соҳанинг ҳозирги ҳолатини аниқлаш, келажакда сиёсатни ривожлантириш йўналишларини белгилаш, кейин эса ушбу маълумотлардан истиқболдаги вазифаларни амалга оширишда фойдаланишдан иборат.

Демак, самарадорликни баҳолаш учун олдиндан танланган мезон ва кўрсаткичлар бўйича натижаларни (масалан, иқтисодиётнинг хусусий секторида – фойда), сўнг бунга сарфланган ресурсларни баҳолаш, ундан кейин эса уларни таққослаш зарур.

Сиёсий партиялар депутатларининг фаолиятини баҳолаш учун сайловолди ваъдалар қанчалик бажарилаётгани, депутатлар оддий сайловчиларга қанчалик яқинлигини ва улар сайловчиларнинг сўровларига қай даражада ҳозиржавоблигини аниқлаш лозим.

Ҳозирги пайтда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолияти сифатини ошириш лозимлиги кенг муҳокама қилинмоқда. маҳаллий Кенгашнинг айrim депутатлари ўзларининг бевосита мажбуриятларини сидқидилдан бажармаслиги жиддий норозиликларга сабаб бўлмоқда. Бу камчиликлар маҳаллий давлат ҳокимияти тегишли вакиллик органларининг мажлисларида қатнашиш даражасининг пастлиги, норма ижодкорлиги жараёнида суст иштирок ҳамда депутатларнинг ўз сайловчилари билан етарли даражада яқин эмаслигига ўз аксини топмоқда. Шунинг учун маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини жамоатчилик, сиёсий партияларва комиссиялар томонидан баҳолаш усулини жорий қилиш зарурати туғилмоқда. Айтилганидек, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини баҳолашдан мақсад – депутатларни ўз мажбуриятларини янада самарали ва яхши бажаришга рағбатлантириш, депутатлар фаолиятини баҳолашда иштирок этиш орқали сайловчи ва халқ сайлаган шахс ўртасида янада яқин ҳамкорликни, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг шаффоғлигини таъминлашдир.

Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг аҳоли билан ишлаш самарадорлигини қандай ошириш мумкин? Одатда, халқ депутатлари Кенгashi депутатлари амалий фаолияти самарадорлигининг муҳим шартларидан бири шаҳар, туман, вилоят ва



аниқ бир сайлов округини яхши билиш ҳисобланади. Фаолият, хусусан, аҳоли билан ишлаш самарали бўлиши учун халқ депутатлари Кенгаши депутати ўз тумани, вилояти, шаҳарнинг тарихи, аҳолининг ижтимоий ва ёш тоифалари, миллий-маданий ўзига хос жиҳатлар, иқтисодий обьектларнинг тузилмаси (ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқалар), транспорт-муҳандислик хусусиятлари, ижтимоий соҳа обьектлари ва бошқаларни билиши муҳим ҳисобланади. Улар ўз ишининг йўналишларини турли омиллардан келиб чиқкан ҳолда, ҳар томонлама ва ижтимоий манзилли танлаши лозим бўлади.

Депутат аҳоли билан эмас, аҳоли ва унинг манфаатларини ҳимоя килиш учун ишлайди ва бунда аҳолининг яхши турмуш даражасини таъминашга мажбур ҳисобланган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, турли ташкилотлар билан ҳамкорлик олиб боради.

Депутатлар аҳоли билан ишлашда риоя қилиши керак бўлган тамойиллар, уларнинг фаолият самарадорлиги ва аҳоли билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиши учун эга бўлиши керак бўлган шахсий хислатларини баҳолаш мезонлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим.

Юқорида кўрсатиб ўтилганларни амалга оширилиши Кенгашларнинг роли ва депутатларнинг фаолигини оширишга кўмаклашади, бу эса маҳаллий даражадаги кўплаб ижтимоий-иктисодий, ҳуқуқий муаммоларнинг ечимини таъминлайди. Жойлардаги самарали, ҳисобдор ва фаолияти ошкора бўлган вакиллик органлари Ўзбекистон Республикасининг истиқболда барқарор ривожланишининг кафолатидир.

Адабиётлар рўйхати

1. Махмудов А. Ўзбекистон Республикасида Маҳаллий вакиллик органларининг назорат фаолиятини такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) автореферати. – Т., 2019. – Б.48
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, 9-сон, 320-модда.



КОРРУПЦИЯ ҲОЛАТЛАРИ ТҮҒРИСИДА ХАБАР БЕРИШ МЕХАНИЗМИНИ МИЛЛИЙ ВА ҲАЛҚАРО-ХУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ

Шамшиев Жамшид Аслиддинович,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академиясининг магистратура тингловчиси

Аннотация. Маколада коррупция ҳолатлари түғрисида хабар бериш механизмини миллий ва ҳалқаро-хуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ҳамда соҳани ривожлантириш юзасидан амалий таклифлар ўрин олган.

Таянч сўзлар: коррупция, коррупция ҳолатлари түғрисида хабар бериш, коррупциянинг олдини олиш.

НАЦИОНАЛЬНОЕ И МЕЖДУНАРОДНОЕ ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ МЕХАНИЗМА СООБЩЕНИЕ О ФАКТАХ КОРРУПЦИИ

Аннотация. В статье представлены практические предложения по национальному и международному правовому регулированию механизма сообщения о фактах коррупции и развития отрасли.

Ключевые слова: коррупция, сообщение о случаях коррупции, предотвращение коррупции.

NATIONAL AND INTERNATIONAL LEGAL REGULATION OF THE CORRUPTION REPORTING MECHANISM

Annotation. The article contains practical suggestions on the national and international legal regulation of the mechanism for reporting corruption and the development of the industry.

Key words: corruption, reporting cases of corruption, prevention of corruption.

Коррупцияга қарши курашишда энг самарали механизмлардан бири бу коррупция ҳолатлари түғрисида хабар бериш ҳисобланади. Мазкур муносабатлар ҳалқаро-хуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси 39-моддасига [1] асосан ҳар бир иштирокчи Давлат ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ миллий тергов органлари ва прокуратура органлари ҳамда хусусий сектор ташкилотлари, хусусан молиявий муассасалар билан мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий ҳатти-ҳаракатларнинг содир этилиши билан боғлиқ масалалар бўйича ҳамкорликни рағбатлантириш учун талаб этилиши мумкин бўлган чораларни кўради. Ҳар бир иштирокчи Давлат одатда ўзининг ҳудудида истиқомат қилувчи ўз фуқаролари ва бошқа шахслар миллий тергов органлари ва прокуратура органларига мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий ҳатти-ҳаракатларнинг содир этилгани түғрисида хабар беришларини рағбатлантириш масаласини кўриб чиқадилар.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлар режасининг 4-раунд 14.7 тавсиясида ҳам иштирокчи давлат томонидан коррупция ҳолатлари түғрисида хабар бериш ва хабар берувчиларни химоя қилиш қоидаларини қабул қилиши кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасида коррупция ҳолатлари түғрисида хабар бериш меҳназми сифатида барча учун умуммажбурий бўлган норматив-хуқуқий ҳужжатнинг қабул қилинишини, бу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи илк қадам деб эътироф этишимиз лозим.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш түғрисида”ги Қонунининг [2] 26-моддасига асосан давлат органларининг ходимлари уларни коррупцияга оид хуқуқбузарликлар содир этишга кўндириш мақсадида бирор-бир шахс ўзларига мурожаат этганлигига доир барча ҳоллар түғрисида, шунингдек давлат органларининг бошқа ходимлари томонидан содир этилган шунга ўхшаш хуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлиб қолган ҳар қандай фактлари хақида ўз раҳбарини ёхуд хуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор этиши шарт.



Ушбу модданинг биринчи қисмida назарда тутилган мажбуриятнинг давлат органларининг ходимлари томонидан бажарилмаганлиги қонун ҳужжатлариiga мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Шунингдек, мазкур Қоуннинг 28-моддасига кўра, коррупцияга оид ҳукуқбузарликлар тўғрисида ахборот берадиган шахслар давлат ҳимоясида бўлади, қонунда белгиланган холлар бундан мустасно.

Коррупцияга оид ҳукуқбузарликлар тўғрисида ахборот берадиган шахсларни таъқиб этиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Ушбу модданинг қоидалари коррупцияга оид ҳукуқбузарликлар тўғрисида била туриб ёлғон ахборот берган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди, улар қонунга мувофиқ жавобгар бўлади.

Юқоридаги Қонунда коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш мажбурияти ва хабар берувчи шахсларни ҳимояси назарда тутилган бўлиб, мазкур шахсларни рағбатлантиришни тартибга солувчи қонун ости ҳужжати ҳам қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сонли қарори билан Коррупцияга оид ҳукуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ, коррупцияга оид ҳукуқбузарлик ҳақида хабар берган шахслар бир марталик пул мукофоти (БХМнинг 3 бараваридан 25 бараваригача) билан рағбатлантирилади.

Агар пора суммаси ёки етказилган зарап ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулкнинг қиймати БХМнинг юз бараваридан кўп бўлса, мукофот қуидаги фоиз ҳисобида ҳисобланади:

анча миқдор учун — пора суммаси ёки етказилган зарап ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулк қийматининг ўн беш фоизи миқдорида;

кўп ёки жуда кўп миқдор учун—пора суммаси ёки етказилган зарап ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулк қийматининг ўн фоизи миқдорида.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилдаги Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлар режасининг 4-раунд мониторинги ҳисботига [3] кўра, 14.7-тавсиясида назарда тутилган қоидалар статистик йифилган маълумотлар йўқлиги сабабли, кузатув гурухи ушбу қоидалар амалда қўлланиладими ёки йўқми деган хulosага кела олмаганлиги ҳамда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши орқали 14.7-тавсия расмий бажарилган бўлса-да, белгиланган нормалар коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар берувчи шасхларни ҳимоясини етарли даражада таъминлай олмаганлиги кўрсатиб ўтилган.

Шу сабабли, ҳар бир давлат бошқарув органида 14.7-тавсиясида назарда тутилган қоидалар юзасидан статистик маълумотлар юритиш ҳамда коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар берувчи шасхларни ҳимоясини етарли даражада таъминлаш мақсадида Қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенцияси. 2003 йил 31 октябрь, Нью-Йорк. (БМТ Бош Ассамблеясининг 2003 йил 31 октябрдаги 58/4-сонли Қарори)

2. Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда).

3. https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf



JAMIYATDA FAOL HUQUQIY XULQ-ATVORNI RIVOJLANTIRISH.

Qandimov Ilyos Qalandar o‘g‘li
(Buxoro viloyati yuridik texnikumi o‘qtuvchisi)
Tel: +998943289966

Ushbu maqolada axborot-komunikatsiya texnologiyalardan foydalanib huquqiy xulq-atvorni rivojlanirish haqida fikr yuritilgan.

Kalit so‘zlar: ong, madaniyat, xulq, huquq, korrupsiya, huquqbazarlik, davlat, huquqiy immunitet, huquqiy ta’lim, internet portal.

Huquq ijtimoiy munosabatlarni tartibga solish vositasi sifatida kishilarning xatti-harakati va xulq-atvoriga ta’sir etadi. Yuridik adabiyotlarda asosiy diqqat e’tibor kishilar xulq-atvorining huquqqa qarshi jihatiga, ya’ni huquqbazarlikka qaratilib, huquqiy harakatlar xususida kamroq fikr bildiriladi. Huquqiy xatti-harakat deganda, huquq sub’ektlarining qonunga mos holda ijtimoiy-foydali harakat yoki harakasizlik qilishi tushuniladi. O’zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishgach respublikada xalq hokimiyatlchiligi prinsipini Konstitutsiya asosida mustahkamlandi. Bu esa jamiyatda shaxs erkinligini amalga oshirish uchun imkoniyatlarni yaratdi.

Kishilarni harakatga keltiruvchi kuch hamda ularning alohida xulqini yo‘lga soluvchi omil-manfaat. Shaxs ijtimoiy munosabatlar mahsuli bo‘lib, ushbu munosabatlar jamoalarda vujudga keladi va ularnigng manfaati asosan jamiyat manfaati bilan belgilanadi. Fuqarolarning qonuniy manfaati bu uning moddiy va ma’naviy talabi bo‘lib, u shaxsning qobiliyatini va uning butun jamiyatdagi faoliyatini rivojlanirish orqali belgilanadi.

Jamiyat manfaati esa jamiyatning maqsadi va vazifasi bo‘lib, uning rivojlanishi uchun xizmat qiladi. Har bir fuqaro qonunda ko‘rsatilgan yoshga kirishi bilan barcha huquqlardan, erkinliklardan foydalanishi imkoniyatiga va qonunda ko‘rsatilgan majburiyatlarini bajarish majburiyatiga ega bo‘ladi. Albatta xulq-atvor bolalikdan tarbiya orqali shakllanadi. Tarbiya insonni axloqiy fazilatlarini ko‘rsatib beruvchi tushunchadir.

Tarbiya ma’naviy, axloqiy, g‘oyaviy, iqtisodiy, huquqiy bo‘lishi mumkin. Ular orasida huquqiy tarbiya alohida ahamiyatga molik. U inson tomonidan o‘zlashtirilgan huquqiy bilimlar asosida huquqiy faoliyatni tashkillashtirish borasidagi malaka va ko‘nikmalarni hosil qilish, unda ijobjiy mazmundagi huquqiy sifatlarni paydo qilish va insonning ongu tafakkurini boyitadigan hamda huquqiy madaniyatni shakllantirishga yo‘naltirilgan pedagogik jarayon hisoblanadi.

Huquqiy xatti-harakatning shaxsni huquqiy tartibga solishga jalb etilish darajasiga ko‘ra to‘rt turi mavjud:

1. Faol huquqiy xatti-harakat. Bu fuqarolar, mansabdar shaxslarning qo‘srimcha vaqtvari, imkoniyatlari, shuningdek, moddiy vositalaridan kelib chiqib, o‘z tashabbuskorligiga tayangan huquqiy faoliyatidir.

2. Odatdagi huquqiy xatti-harakat. U faollikdan farq qilgan holda, ortiqcha xarajat va harakat bilan bog‘liq bo‘lmaydi. Bu kishining muntazam xizmat va boshqa hayotiy faoliyatidan kelib chiqadi va u, asosan, huquqiy normalar talabiga mos keladi.

3. Konformistik (sust) huquqiy xatti-harakat. Fuqarolar o‘rnatilgan huquq normalariga ijtimoiy muhit ta’sirida, ya’ni o‘z safdoshlarining, rahbarlarining ko‘zicha rioya qiladi. Bu o‘zining mustaqil fikri bilan emas, balki hamma shu harakatni amalga oshirganligi uchun u ham shuni qilishga majbur bo‘ladi.

4. Marginal huquqiy xatti-harakatda shaxs davlat tomonidan o‘rnatilgan jazo tizimidan qo‘rqishi natijasida huquqqa rioya qiladi. Bu toifa shaxslar ijtimoiy faol yoki odatiy huquqiy xatti-harakatni amalga oshirmaydilar. Bular ko‘proq ertaga ozodlikdan mahrum etiladigan bo‘lsa, qiynalishi, erkinligining yo‘qolishi yoki nogiron bo‘lib qolishdan qo‘rqanidan huquqqa rioya qiladi.

Huquqiy xulq-atvor, huquqbazarlik va yuridik javobgarlik jamiyatimiz hayotining biron-bir jabhasi bilan bog‘liq bo‘lib qolmasdan, balki ijtimoiy hayotning barcha sohalari bilan chambarchas bog‘liqdir.

Foydalilanigan adabiyotlar ro‘yxati.

1. Saidov A. Tojixonov U. Davlat va huquq asoslari T.: “O‘zbekiston”, 1999.
2. Karimova U. Huquqshunoslik, T.: “Sharq” 2010.
3. Lex.uz sayti.



СОЛИҚЛАР ЁКИ БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРНИ ТЎЛАШДАН БЎЙИН ТОВЛАШ ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ТАШКИЛ ЭТИШ

Марданов Жасурбек Ҳусниддин Ўғли,
Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани
прокуратураси терговчиси
E-mail: jasurbekmardanov2021@mail.com

Аннотация: Мақолада солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятини тергов қилишда юзага келадиган айрим муаммолар мухокама қилинади. Мақолада солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятини тергов қилишининг криминалистик шакллари: хусусий тергов усуллари, тергов алгоритмлари, алоҳида тергов ҳаракатлари тактикаси таҳлил қилинади. Мақолада солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятини криминалогик хусусиятларига кўра бошқа жиноятлардан фарқлаш усуллари кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: тергов усуллари; солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жинояти; криминалистик хусусиятлари.

Авваламбор, ривожланаётган давлатлар мисолида солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятига тўхталадиган бўлсак, ривожланаётган давлатларнинг солиқ тизимиға хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири шундаки уларда хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатлари. Давлат бюджети харажатларини молиялаштириш муаммосини юзага келтирувчи омил даражасига кўтарилиган. Масалан, россиялик иқтисодчи В.Забриковнинг фикрига кўра, “Россия Федерациясида солиқлар бўйича ундирилмаган сумма тахминан солиқ тўловлари миқдорига тўғри келади, бу эса Россия солиқ тизимини бошқариб бўлмайдиган ҳолатга яқинлаштиради” [1]. Бошқа иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, даромадларни яшириш ва солиққа тортишнинг бошқа обьектларини нотўғри кўрсатиш натижасида Россия бюджетига ҳар йиллик солиқ тушумларининг 30 фоиздан 50 фоизгача бўлган қисми тушмаяпти [2].

Юқоридаги мисоллардан ҳам кўриниб тўрибидики, хусусан солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятини тергов қилиш тактикасини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда тергов қилиш фаолиятига тўхталадиган бўлсак, жиноятларни тергов қилиш ижтимоий фаолиятнинг ўзига хос тури ҳисобланади. Терговнинг ўзига хос хусусиятлари мақсадлар, процессуал шакл, процессуал қоидалар ва ижтимоий аҳамиятга эга бошқа хусусиятлар билан белгиланади.

Терговни ташкил этишнинг асосий субъекти терговчидир. Тергов органи раҳбари ва суриштирув бўлинмаси раҳбари терговни ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси нормаларида белгиланган мақомларига мувофиқ иштирок этади. Яъни, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширади ва ташкилий тузилманинг мақсад ва вазифаларини руёбга чиқаради.

